

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАГИСТР ТАЛАБАЛАР СТАЖИРОВКАСИНИ ИННОВАЦИОН ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Йўлдашев Ш
ЎзМУ ўқитувчиси
Абдумажидов Ш

*Ренессанс таълим университети “ЖИ ва Халқаро иқтисодий муносабатлар”
таълим йўналиши 1-курс талабаси*

Аннотация: *Мазкур мақолада муаллифлар бугунги замонавий шароитда олий таълим ташкилотларида магистр талабаларни стажировкасини ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни назарий ва амалий жихатдан таҳлил этишган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида магистрларни стажировкасини ташкил этишга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этган ҳолда стажировка босқичларини, стажировка ўташ дастурини, стажировкани илмий-тадқиқот ташкилотларида ёки хориж мамалакатларда ўтказиш масалаларини ўрганган ҳолда келгусида стажировкаларни инновацион шаклларда ўтказиш бўйича таклиф ва тавсияларини илгари суришган.*

Калит сўзлар: *олий таълим ташкилоти, магистр, стажировка, таълим сифати, илмий тадқиқот, кадрлар истеъмолчилари, ташкилот, меҳнат бозори.*

НЕКОТОРЫЕ ПРЕДПОЛОЖЕНИЯ ОБ ИННОВАЦИОННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ СТАЖИРОВКИ МАГИСТРАНТОВ В УСЛОВИЯХ СОВРЕМЕННОСТИ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Аннотация: *В данной статье авторы рассматривают теоретические и практические аспекты организации стажировки магистрантов в высших образовательных организациях в современных условиях. Особое внимание уделено анализу процессов, связанных с обеспечением эффективности стажировки как важного элемента профессиональной подготовки магистров. Кроме того, на основе анализа ряда нормативно-правовых актов Республики Узбекистан, регулирующих вопросы организации стажировки магистрантов, исследованы этапы прохождения стажировки, содержание программ стажировки, а также особенности ее реализации в научно-исследовательских и зарубежных организациях. По результатам проведенного анализа авторами выдвинуты предложения и рекомендации по внедрению инновационных форм организации стажировки, направленных на повышение качества подготовки кадров и усиление взаимодействия высших образовательных организаций с работодателями.*

Ключевые слова: *высшая образовательная организация, магистрант, стажировка, качество образования, научное исследование, потребители кадров, организация, рынок труда.*

SOME CONSIDERATIONS ON THE INNOVATIVE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT OF THE MASTER'S INTERNSHIP IN MODERN CONDITIONS WITHIN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Abstract: *This article examines the theoretical and practical aspects of organizing internships for master's students in higher education institutions under modern conditions. Particular attention is paid to the analysis of processes aimed at ensuring the effectiveness of internships as an essential component of professional training for master's degree students. In addition, based on an analysis of a number of regulatory and legal acts of the Republic of Uzbekistan governing the organization of master's internships, the study explores the stages of internship implementation, the structure and content of internship programs, as well as the specific features of conducting internships in research institutions and foreign organizations. Based on the results of the analysis, the authors put forward proposals and recommendations for introducing innovative forms of internship organization aimed at improving the quality of specialist training and strengthening cooperation between higher education institutions and employers.*

Key words: *higher education institution, master's student, internship, quality of education, scientific research, employers, organization, labor market.*

Бугунги кунда олий таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган, амалий кўникма ва компетенцияларга эга мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, магистр талабаларнинг стажировкадан ўтиши таълим жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Стажировка назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш, касбий маҳоратни ошириш ҳамда келажакдаги меҳнат фаолиятига тайёргарликни таъминлайди.

Олий таълим ташкилоти магистратура таълими фақат назарий билимларни эгаллаш билан чекланмайди, балки амалиёт ва стажировкани ҳам ўз ичига олади. Стажировка – бу талабанинг касбий малакасини ривожлантириш, илмий ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун муҳим босқич ҳисобланади. Магистрантлар учун стажировка нафақат билимларни амалда синаш имконини беради, балки уларнинг келажакдаги касбий фаолияти учун зарур тажриба ҳосил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда стажировкани ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда олий таълимнинг давлат стандартлари асосида тартибга солинади.

Стажировка – бу талабанинг таълим дастури доирасида белгиланган муддатда олий таълим ташкилоти ва амалиёт ўтказиладиган корхона ёки ташкилотда касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёни ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, магистр талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари ўртасидаги интеграцияни таъминловчи, уларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи тизимли таълим жараёни ҳисобланади.

Стажировканинг мақсади қуйидагилардан иборат:

магистр талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш;

назарий билимларни реал иш жараёнида қўллаш;

мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш;

илмий-тадқиқот ишларини амалий фаолият билан боғлаш;

касбий масъулият ва этик меъёрларга риоя қилиш маданиятини шакллантириш;

меҳнат бозори талабларига мос мутахассис тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида стажировка масалалари қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 30.10.2015 йилдаги “Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисида”ги 9-2015-сон буйруғи ва хоказолар.

Олий таълим ташкилотлари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомда стажировка (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш) - магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш мақсадида таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши деб белгиланган.

Стажировка магистратура талабасининг илмий-тадқиқот ишлари тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади ва магистратура талабалари олий таълим ташкилоти кенгаши тавсиясига мувофиқ стажировка ўташга юборилади.

Стажировка:

илмий-тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

иқтисод, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириши;

амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;

мутахассислик бўйича билим ва кўникмаларни такомиллаштириш ва магистрлик диссертацияси (ёки бирор қисми) бўйича тажриба-синов, илмий-тадқиқот ишларини бажарилиши;

касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Магистратура талабалари стажировкани стажировка ўташ дастури асосида ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида ёки хорижда ўташи мумкин.

Стажировкани ташкил этиш магистратура талабалари томонидан касбий фаолиятни эгаллашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Олий таълим ташкилоти стажировкани ташкил этишда:

биринчидан, Олий таълим ташкилоти кенгаши магистратура талабасининг илмий раҳбари тавсиясига кўра магистр талабани стажировка ўташга юбориш масаласини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

иккинчидан, магистр талабани кадрлар истеъмолчилари томонидан танлов асосида стажировка ўташга жалб қилиш;

учинчидан, стажировка ўташга юборилаётган магистр талабалар рўйхати Олий таълим ташкилотидан стажировка раҳбари кўрсатилган ҳолда Олий таълим ташкилоти ректорининг буйруғи билан тасдиқланиши;

тўртинчидан, сифатни таъминлаш механизмларини жорий этиш стажировка самарадорлигини таҳлил қилиш, ҳамкор ташкилотлар фаолиятини баҳолаш ва доимий равишда такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, стажировка ўташ учун юборишда магистр талабанинг қабул қилувчи ташкилот томонидан турар жой билан таъминлаш имконияти ҳисобга олиниши лозим.

Стажировка Олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуддан ташқарида ёки хорижда ўтказилиши назарда тутилганда, стажировкага бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, мазкур харажатлар қабул қилувчи ташкилот томонидан қопланиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Стажировка ўташ жараёнида магистратура талабаси хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар Олий таълим ташкилоти ректори томонидан кўрилиши лозим.

Стажировка бўйича ишларни мувофиқлаштириш Олий таълим ташкилотининг магистратура бўлими томонидан тегишли кафедра мудирини ва факультет декани ёки Олий таълим ташкилотининг зиммасига стажировка масалалари билан шуғулланиш мажбурияти юклатилган таркибий бўлинмаси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Стажировка Олий таълим ташкилоти билан қабул қилувчи ташкилот ўртасида стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган шартномалар

асосида амалга оширилади, стажировкани хорижда ўташ ҳоллари бундан мустасно.

Стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган шартномада шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, магистратура талабасини турар жой билан таъминлаш, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани бекор қилиш асослари, тарафларнинг жавобгарлиги ва стажировка ўташни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа муҳим шартлар назарда тутилади.

Магистр талабалар учун стажировка базаларини танлашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилиши лозим:

стажировка ўтказилаётган ташкилотнинг ихтисослиги магистратура мутахассислигига мос келиши;

ташкилотда юқори малакали мутахассислар, илмий ходимлар ёки амалий тажрибага эга кадрлар фаолият юритиши;

замонавий технология, лабораториялар, ахборот ресурслари ва иш услубларининг мавжудлиги;

мазкур ташкилотнинг олий таълим ташкилоти билан аввалги ҳамкорлик тажрибаси ва стажировка жараёнини ташкил этишдаги ижобий натижалари мавжудлиги;

тажрибали мутахассисларнинг раҳбарлик қилиш имконияти;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш шароитлари.

Самарали стажировка учун олий таълим ташкилотлари кадрлар буюртмачилари, иш берувчилар, илмий марказлар ва давлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Стажировка жараёни, одатда, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

тайёрлов босқичи (стажировка ўташнинг биринчи куни);

асосий босқич;

якуний босқич (стажировка бўйича ҳисобот ҳимояси).

Стажировка ўташнинг тайёрлов босқичида — қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари томонидан стажировка ўташ учун келган магистратура талабаси тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, ташкилотда стажировка ўташнинг талаб ва шартлари, ташкилотнинг ташкилий тузилмаси, вазифа ва функциялари, фаолият йўналишлари билан таништирилади ҳамда стажёрга стажировка ўташ дастурига мувофиқ тегишли кўрсатмалар берилади. Мазкур босқичда магистратура талабаси томонидан қабул қилувчи ташкилотдан стажировка раҳбари билан келишган ҳолда стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича режа-жадвал (календарь режа) тузилади.

Стажировка ўташнинг асосий босқичида — магистратура талабаси томонидан стажировка ўташ дастурини бажариш бўйича режа-жадвалда (календарь режада) назарда тутилган ишлар бажарилади.

Стажировка ўташнинг якуний босқичида — магистратура талабаси томонидан стажировка ўташ жараёнида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари кўриб чиқилади, таҳлил қилинади ҳамда баҳоланади.

Магистр стажировкаси натижалари қуйидаги асосида баҳоланади:

стажировка кундалиги ва ҳисоботи;

бажарилган амалий ишлар;

ташкилот раҳбарининг тавсияси;

талабанинг фаоллиги ва интизоми.

Стажировка ўташ даврида стажировка ўтаётган магистратура талабасига қабул қилувчи ташкилотдаги тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ички меҳнат тартиби қоидалари, шунингдек қабул қилувчи ташкилотда амалда бўлган бошқа ҳужжатлар татбиқ қилинади.

Магистратура талабаси:

стажировкани ўташ шартлари ва тартиби билан олдиндан танишиш;

стажировка бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;

стажировка юзасидан зарур ахборотлар олиш ҳуқуқларига эга.

Магистратура талабасига:

стажировкани белгиланган муддатларда ўташ;

стажировка ўташ дастурида кўрсатилган топшириқларни белгиланган тартибда, тўлиқ ва сифатли бажариш;

стажировка кундалигини ҳар куни ва тартибли юритиш, жумладан стажировка давомида бажарилган ишларни стажировка кундалигига қайд этиб бориш;

қабул қилувчи ташкилотда (давлатда) белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш мажбурияти юклатилади.

Магистратура талабаси стажировка бўйича қонунчилик ҳужжатларида ёки олий таълим ташкилоти уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Магистр талабаларни стажировкасини такомиллаштириш учун бизнинг фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Олий таълимни Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқ стажировка дастурини такомиллаштириш;

стажировка жараёнини адолатли ва шаффоф баҳолаш тизимини жорий этиш;

олий таълим ташкилотлари ва стажировка ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш;

магистр талабаларнинг индивидуал амалиёт режаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда магистр талабалар стажировкасига қўйиладиган замонавий талаблар, аввало, таълим жараёнининг сифатини ошириш ва талабаларнинг амалий тайёргарлигини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Стажировка

жараёнида талабалар ўз соҳасига оид назарий билимларини амалиётда қўллаш, муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимларини топиш кўникмаларини эгаллаши зарур.

Замонавий талаблардан бири — стажировка жараёнини таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ташкил этиш ҳисобланади. Бу интеграция орқали магистр талабалар илмий муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар фаолияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлади. Натижада талабаларнинг касбий тайёргарлик даражаси ошади ва уларнинг амалий тажрибаси бойийди.

Шунингдек, стажировка жараёнини ташкил этишда компетенциявий ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Компетенциявий ёндашув магистр талабаларда касбий билим, кўникма ва малака билан бирга мустақил фикрлаш, ижодий ёндашув ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятларини ривожлантиришни назарда тутди. Бу эса талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятида муваффақиятли ишлашини таъминлайди.

Магистр талабалар стажировкасига қўйиладиган яна бир муҳим талаб - стажировка дастурининг аниқ мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилиши ҳисобланади. Стажировка дастурида талабалар томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар, тадқиқот йўналишлари, амалий вазифалар ва уларни баҳолаш мезонлари аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Бу эса стажировка жараёнининг тизимли ва самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Замонавий талаблардан яна бири — стажировка жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишдир. Бугунги кунда рақамли технологиялар таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шу сабабли стажировка давомида электрон таълим платформалари, онлайн маълумотлар базалари ва рақамли ресурслардан фойдаланиш магистр талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилади.

Стажировка жараёнини ташкил этишда таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳам муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Бу ҳамкорлик орқали талабалар стажировка давомида амалий фаолият билан бевосита танишади, соҳадаги мутахассислардан тажриба ўрганади ва замонавий иш услублари билан танишади.

Шу билан бирга, стажировка жараёнида талабаларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Баҳолаш жараёни талабаларнинг амалий ишлари, илмий-тадқиқот фаолияти, ҳисоботлари ва тақдимотлари асосида амалга оширилиши мумкин. Бу эса талабаларнинг стажировка жараёнидаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Замонавий таълим тизимида магистр талабалар стажировкасига қўйиладиган талаблар қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

стажировка жараёнини таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ташкил этиш;

талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган амалий фаолиятни таъминлаш;

стажировка дастурларини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

стажировка натижаларини баҳолашнинг шаффоф ва самарали тизимини жорий этиш;

таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида магистр талабалар стажировкасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда стажировка жараёни талабаларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларни илмий ва амалий фаолиятга жалб қилиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади.

Магистр талабалар стажировкасига қўйиладиган замонавий талаблар таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, талабаларнинг амалий тайёргарлигини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу сабабли стажировка жараёнини ташкил этишда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда стажировка дастурларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, магистр талабалар стажировкасини амалда тўлиқ ва тизимли таъминлаш юқори малакали, рақобатбардош ҳамда замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашнинг муҳим институционал омилларидан бири ҳисобланади. Стажировка жараёни магистр тайёрлаш тизимида назарий билимлар, илмий-тадқиқот фаолияти ва амалий кўникмалар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминловчи интегратив механизм сифатида намоён бўлади.

Самарали ташкил этилган стажировка, аввало, таълим сифатини оширишга хизмат қилади, чунки у компетенциявий ёндашув асосида талабаларда касбий билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, магистрларда мустақил фикрлаш, таҳлилий ёндашув, инновацион қарорлар қабул қилиш қобилияти ва профессионал масъулият шаклланади.

Бундан ташқари, стажировка олий таълим ташкилотлари ва иш берувчилар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантиришга, таълим мазмунини ишлаб чиқариш ҳамда амалиёт эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга замин яратади. Натижада таълим жараёнининг амалий йўналтирилганлиги кучаяди, битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари яхшиланади ва уларнинг рақобатбардошлиги ортади.

Шу нуқтаи назардан, магистр талабаларнинг стажировкасини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у олий таълим тизимини модернизация қилиш, инсон капитали салоҳиятини юксалтириш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон; 01.02.2024 й., 03/24/901/0082-сон; 09.09.2024 й., 03/24/957/0689-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон; 05.11.2024 й., 03/24/990/0892-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон; 24.10.2025 й., 03/25/1091/0969-сон; 30.12.2025 й., 03/25/1109/1241-сон)

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.

3.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 30 октябрдаги 9-2015-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотлари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ.

4.Топилдиев В.Р. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари. –Тошкент., 2018. 356. Б.

5.Топилдиев В.Р. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг меъерий-ҳуқуқий таъминоти хусусида айрим мулоҳазалар // Современное образование, 2017. (6), 8-14.

6.Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Университет. (2015).

7.Топилдиев В.Р. Масофавий таълим хусусида айрим мулоҳазалар. 2023. Journal of Integrated Education and Research, 2 (2), 51-60 бетлар.